

*Олмазор тумани 243 мактаб ўқитувчиси
Алтибаева Малика Қувандиқовна,
Самарқанд шаҳри № 68 мактаб ўқитувчиси
Алтибаева Шахноза Азизовна*

АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСЛАРИНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақола Алишер Навоийнинг ижодий асарлари ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга эканлигига бағишланган бўлиб, унинг ижодий мероси жаҳон маданияти тарихида ҳам юқори баҳоланганлиги таҳил қилинади.

Калит сўзлар: таълим, тарбия, ижодий мерос, жаҳон маданияти, оммавий маданият

Аннотация: Данная статья посвящена раскрытию значения творческой деятельности Алишера Навои в деле воспитания молодежи, а также в ней дан анализ высокой оценки его творческого наследия в истории мировой культуры.

Ключевые слова: образование, воспитание, творческое наследие, мировая культура, массовая культура

Annotation: The article focuses on the importance of Alisher Navoi's creative activity in the education of young people, and also considers the fact that his creative heritage is highly valued in the history of world culture.

Key words: education, upbringing, creative heritage, world culture, popular culture.

Дунёда тобора ҳар бир халқ шаклланиб, турли ижодиёт, лапарлар, ривоят ва мақоллар, ҳазил ёки кесатик чақирув, илтимос, дуо сингари руҳий ҳикматлар тўпланган сари, оғзаки ва ёзма адабиёт пайдо бўлди. Адабиёт эстетик тафаккурда туғилиб эл, халқ, миллат тарихининг маънавий жавоҳирига айланади.

Адабиёт ана шундай бадиий-тарбиявий кучга эгаки, адабиёти ўлмаган, адабиётининг тараққиёти, келажаги устида қайғурмаган ёзувчиларни етиштирмаган халқ, миллат аста-секин эстетик туйғу, тафаккур кучи, дунё ва миллий ҳаёт ҳақидаги мулоҳазалардан жудо бўлади.

Жадид намоёндаларидан бири шоир Чўлпон таъбири билан айтганда ”Адабиёт яшаса – миллат яшар” [1; Б. 52]. Чунки шоир тасавурида инсоний муносабатлар, муомала ва туйғулар орасида сўз сингари юксак бадиий-эстетик мазмунга эга бўлган хазина йўқ эди.

Тарих саҳифалари варақланганда, ўзбек халқининг жаҳон маданияти хазинасига қўшган буюк ҳиссаси, маънавияти узок ўтмишдан дунёга маълум ва машҳур бўлиб келгани кўзга яққол ташланади. Аллоҳнинг инояти, ажодларимизнинг ақл-заковати, меҳнати ва интилишлари туфайли бу заҳматкаш халқ орасидан мана шундек улуғ сиймоларнинг “Зиёси”, “Авлиёларнинг авлиёси”, “Мутафаккирларнинг мутафаккири”, “Шоирларнинг султони”, дея эътироф этилган улуғ алломамиз Алишер Навоийнинг асарлари, ғоялари замонлар оша ўз кадр-қимматини юксалтириб келмоқда.

Жаҳон адабиётшунослигида Алишер Навоий ижодини ўрганиш беш юз йилдан ортиқ тарихга эга бўлиб, бу давр мобайнида Шарқ ва Ғарб мамлакатларида минглаб илмий асарлар яратилди ҳамда улуғ шоир ва мутафаккир илмий-ижодий меросининг жаҳон маданияти тарихидаги ўрни юқори баҳоланди. Мир Алишер Европа илм аҳлига ўтган асрнинг ўрталаридан яхши таниш. Европадаги барча катта кутубхоналарда, айниқса Париж, Берлин, Вена ва Лондонда унинг кўплаб шеърӣ ва насрий асарларининг қўлёзмалари мавжудлиги хориж адабиётшунослар томонидан талқин этилади [4; Б. 74].

Жумладан, франсуз шарқшуноси Катрмер ўзининг 1841 йилда босилган хрестоматиясига Навоийнинг икки насрий асарини – “Муҳокаматул-луғатайн” ва “Тарихи мулуки Ажам”ни киритган. Бундан бир оз вақтдан кейин рус олими И.Н.Березин ўзининг “Турк хрестоматияси” китобида Навоийнинг ушбу асарларидан бир неча парча берган [5; Б. 103].

Немис адабиётшунос публицист ёзувчиси Алфред Курелла Алишер Навоийнинг асарарини таржима қилиш жараёнида “Буюк шоирнинг қайта кашф этилиши” мақоласида қуйидагиларни ёзади “Бундан чамаси 150 йиллар муқаддам Ғарбий Европада, аниқроғи Германияда араб-форс маданияти аҳллариининг асарларини янгидан кашф этиш бошланган эди. Натижада, машҳур немис олим ва шоирларининг саъй-ҳаракатлари туфайли немис китобхонларига форс тилида ижод қилган Фирдавсий, Низомий, Ҳофиз, Умар Ҳайём, Жомийкаби буюк шоирларнинг номлари маълум бўлди” [4; Б. 87].

Айтиш ўринлики, Алфред Курелла томонидан чоп этилган мақолада буюк сиймомиз Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонидан олган қуйидаги мисралар ҳам кузатилади.

*Олингайшдинумрнингкомини,
Тутинг хуш йигитликнинг айёмини.
Яна илм таҳсили айлар киши,
Агаристаса, рушд(етуклик) топқайиши.
Эрурларганимат бори бузамон
Ки, бир-бирига сиз барчангизмеҳмон* [2; Б. 29].

Ушбу файласуфона фикрлар кишини ўз ҳаёт йўли ҳақида ўйлашга ундайди. “Ҳаёт инсонга бир марта берилади ва уни шундай яшаши керакки, эртага ортга боқиб, “умрим беҳуда ўтибди”,- деган армон қалбни қийнамасин. Инсон ҳаётда шундай яшаши керакки, у босиб ўтган излар эртага соҳибидан уялмасин. Бу икки эшик орасида роҳат-фароғатда яшаш ҳам, хулоса чиқариш ҳам ҳар бир инсоннинг ўз қўлида. Бунинг учун ақл ва идрок ишга солинса бас” [Шарх муаллифники].

Олим изланиш жараёнида Алишер Навоий асарларини нафақат шарқона тарбиявийга аҳамиятлилигини, балки ёшлар тафаккурини жаҳоний муаммолар доирасига олиб кириб, эстетик гўзаллик дарвозаси, инсоний баркамоллик томон етаклашини миллати ёшларига даъват этган бўлса ажабмас.

Инсоният тамаддунида шундай шахслар бўладики, уларнинг илмий, маънавий-эстетик тафаккури нафақат ўз даврида, балки асрлар оша авлодлар тарбияси учун ҳам мезон вазифасини ўтайди. Бу улуғвор ном остида адолат туғини баланд кўтариб, ўзини халқ манфаати учун қалқон қилган адолатпарвар

давлат арбоби, халқнинг орзу-истакларини ўз асарларида намоён қилган мутафаккир адиб, муқаддас она тилимизнинг бетакрор жозибасини, унинг араб ва форс тилларидан кам эмаслигини исботлаб берган тилшунос олим, ёш истеъдод ва ижод аҳлининг ҳомийси бўлган меҳрибон устоз сиймоси мужассамдир.

Ҳазрат Навоий ёшлиқларидан Аллоҳ таолонинг муҳаббатини қалбларига жойлаган зоҳид зот бўлганлар. Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, ёш Алишернинг истеъдодидан мамнун бўлган мавлоно Лутфий, у кишининг: *Оразин ёпқоч, кўзумдан сочилур ҳар лаҳза ёш, Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгач қуёш* матлаъли ғазалини тинглаб: “Агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий байтимни шу ғазалга алмаштиардим...” деганлар.

“Руҳул баён” тафсири асосида уламоларимиз фақиҳ шоир Мавлоно Лутфийнинг бу эътирофини шеър учун эмас, балки Навоийда ёш бўлишларига қарамасдан пайдо бўлган ишқи илоҳий учун деб баён қиладилар. Авлиёуллоҳ зотларнинг қалбида кечаси, субҳи содиққа бир соат қолганда нур пайдо бўларкан. Шу нури илоҳий таъсирида жазба ҳосил бўлиб, Аллоҳга яқинлик ҳис этишаркан. Бу ҳолат катта риёзат, таълимдан сўнг ҳосил бўладиган неъмат бўлиб, Мавлоно Лутфийни ҳайратга солган нарса шу ҳолнинг ёш Навоийда пайдо бўлгани эди [5; Б. 93].

*Навосиз улуснингнавобахшибўл,
Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл.*

Ғазалларда наво сўзи куй, оҳанг, хониш маъносидан ташқари маърифат, ҳақиқат, Яратганга бўлган ишқ таъсиридаги нолавор овоз каби маъноларда келади. Навоийнинг тавозеълари, камтарликлари ушбу байтдан ҳам билинади. Сен маърифатсиз, жоҳил халққа маърифат тарқатгувчи бўл, гарчи Навоий ёмон бўлса-да, сен яхши бўлавер, демокдалар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: “Кимки ўз айбини тузатиб, бошқаларнинг айбини топишга вақти бўлмаса, унга жаннат бўлсин”. Ўзини ўзи тафтиш қилиш, нафси билан мужодала қилиш инсонни комилликка олиб боради. Ўз айбини кўрмасдан бошқалардан нуқсон қидириш эса маънавий таназулга олиб боради [6; Б. 61].

Ҳозирги кунда долзарб бўлган “оммавий маданият”, маънавиятга қарши бухронларнинг олдини олишда энг яхши даволардан бири Ҳазрати Навоийни ўрганишдир. Алишер Навоий ҳаётларининг охирларида “Маҳбуб ул-қулуб” насрий асарини ёздилар. Бу асар буюк ижодкорнинг ҳаёти давомида олган хулосалари қаймоғидир. Ҳар бир фаслида муаллиф ўзлари яшаган даврдаги бир табақа ҳаёти, ахлоқи ва вазифалари ҳақида суҳбат юритиб, уларнинг яхши ишлари ҳақида ҳам, айб ва нуқсонлари ҳақида ҳам гоҳ ҳалимлик билан, гоҳ ғазаб-нафрат билан мулоҳаза юритадилар, амри маъруф, наҳйи мункар қиладилар. Ёшлар Навоийни кўп ўқиши керак, ўрганиши керак. У зот баён қилган ҳақиқатларни ҳаётга татбиқ этиш керак. Навоийни тушуниб ўқиган авлоддан эса ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Алишер Навоий ижоди суви шифобахш мангу булоқдир. Бобомиз яратиб кетган умрбоқий асарлар кўнгилларга қувонч, дардли қалбларга ҳузур бағишлайди. Биз бежизга бу

инсонни “Эзгулик шамчироғи”, “Шамс ул-миллат”, деб атамаймиз. Оташнафас шоир, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов таъкидлаганидек:

*Азалий даврада чарх уради ер,
Муштарий азалдан чақнаб турибди.
Беш аср сўнгида буюк Алишер
Баҳри муҳит аро кезиб юрибди.*

Беш аср ўтса ҳамки, Алишер Навоий кемаси тошқин тўлқинларга кўкрак уриб, китъалараро кезишдан тўхтагани йўқ. Бу кема:

*Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиг,
Ёр ўлинг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиг иш, ...*

дея башарият учун тотувлик, меҳр-у оқибат юкини ўз елкасида юклаб юрибди. Бу кема сафарни тўхтамаган ва ҳеч қачон тўхтамайди ҳам.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдулҳамид Чўлпон. Гўзал Туркистон. Т.: Маънавият, 1997.
2. Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. 1-китоб. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002.-Б.304.
3. Ойбек. Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асари ҳақида // Навоий гулшани. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1967. –Б.143-149;
4. Сирожиддинов Шухрат. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий- типологик, текстологик таҳлили. – Т.: Akademnashr, 2011.
5. Шодиев Э. Алишер Навоийнинг форс-тожик тилидаги асарлари. – Тошкент: Фан, 1990.- Б.69-77;
- 6.ҚаюмоваА. Нодир саҳифа, Навоийнинг кам ўрганилган баъзи асарлари тўғрисида. - Тошкент: Фан,1991.- Б.144.